

«5» июль 2022 й

Асака тумани

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Асака туман хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси номидан Низом асосида иш юритувчи рахбари В.Парниев бир томондан ҳамда кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган РОВОН ОМАД ЙУЛЛАРИ МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи рахбар С.Бойматова иккинчи томондан объектни жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **Коракий МФЙ Коракий кучасини асфалтлаш ишларини бажариш** мажбуриятини олади.

### 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

- 2.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажарилган ишлар киймати барча солиқлар, йнгиимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда жорий пархларда 820297674.94 (саккиз юз йигирма миллион икки юз туксон етти минг олти юз етмиш турт ) суму 94 тийин тулашни ташкил этади.
- 2.2. Ишлар киймати узил-кесилхисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустаено:
- курилиш кийматини кунайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
  - ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда.

### 3. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-булимида назарда тугилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартнома ҳамда унинг иловасига мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тугилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
  - мазкур шартномада назарда тугилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
- 3.2. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

### 4. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартнома иловасига мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;
  - ишларни бажарилиши устидан доимий архитектура – курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи тамонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
  - мазкур шартномада назарда тугилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

### 5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 5.1. Шартнома буйича белгиланган ишлар миллий валюта «сум» да хисоб-китоб килинади, тамонлар уни имзолаган ҳамда конун хужжатларига мувофик руйхатдан утказилгандан кегин кучга киради.
- 5.2. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадигон молиялаштириш жадвалига мувофик шартнома кийматининг 30 фоиз аванс тулови хисоб ракамга келиб тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.



5.3. Танлов савдолари натижаси буйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан этиборан 20 (йигирма) кунни ташкил этади.

## **6. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР**

6.1. Туловлар пул утказиш йули билан амалга оширилади. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий кийматини 30 фоизи микдорида олдиндан туловни бюджет маблаглари хисобидан утказиб беради.

6.2. Буюртмачи тамонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асосида хисобланади.

Шартнома кийматининг колган 70 фоиз тулови ишлар хизматлар бажарилгандан сунг амалга оширилади.

## **7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

7.1. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини, техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек Пудратчи тамонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгадур.

7.3. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.4. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

7.5. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

7.6. Пудратчи узи тамонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлайди.

7.7. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, У агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

7.8. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари тамонидан ишларнинг кийматининг купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

7.9. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачи тулайди.

## **8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.**

8.1. Агарда ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир эътса, тамонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## **9. ТАМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

9.1. Тамонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди.

9.2. Мазкур шартномага асосан бажарилган ишлар ҳақини уз вақтида туламаганлик учун Буюртмачи Пудратчига утказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган саммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

9.3. Шартномага мувофиқ тулов талабномаси акцептини асосиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка ва шаклларида бажарилган ишлар ҳақини тулашдан бош тортганлик учун Буюртмачи Пудратчига узи тулашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тулайди.



9.4. Пудратчи қурилиш ишларини шартномада белгиланган муддатда бажармаса уз мажбуриятларини бузилиши учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тулаш Пудратчининг ишларни бажаринишининг ёки хизматлар курсатишининг кечикиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

9.5. Агарда бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, инн ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, Буюртмачи объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортгани, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириши ҳуқуқига эга.

#### 10. ИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган изола масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужжат суди томонидан қуриб чиқилади.

#### 11. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

11.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йўқотади.

11.2. Мазкур шартномага барча улартириши ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

11.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бонка барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалар қўлланилади.

11.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусخада тузилиб, ҳар икки тараф томонидан имзоланиб, ҳудудий Газиачилик бўлимиасидан руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

#### 12. ТОМОНЛАРИНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

##### «БУЮРТМАЧИ»

Асака туман ҳокимлиги

Ободонлаштириши бошқармаси

Манзил: Соҳил буйи 8 а уй

ИНН: 205578197 МФО: 00893

Ш-х/в 400122860032247045204110003

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Газиачилиги Марказий банк Тошкент шаҳар

Бош боқармаси ХККМ

х/р: 23402000300100001010

ИНН: 201122910 МФО: 00000

раҳбар:  В. Даршиев



##### «ПУДРАТЧИ»

РОВОНОМАД ЙУЛЛАРИ МЧЖ

Асака т Янгисор 309


х/р: 20208000900718308001

Инатекабанк Андижон филиали

МФО: 00068

ИНН 304539829



 С. Бойматова.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**№ CM34620127**

1. Loyihaning turi

**Shartnoma**


2. Loyihaning nomi

**Asaka tuman xokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi bilan “ROVON  
OMAD YO‘LLARI” MChJ o‘rtasida tuzilgan 820 297 674.94 (sakkiz yuz  
yigirma million ikki yuz to‘kson yetti ming olti yuz yetmish to‘rt sumu )  
94 tiyinlik pudrat shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot  
**Asaka tumani Obodonlashtirish boshqarmasi 30.06.2022 yil**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul  
qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
Bosh yuriskonsulti**



**D.A.Urmanova**

**2022 yil 1 iyul**